



RESPUBLIKA YOSH OLIMLAR  
KENGASHI

**«ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА  
ЭРКАКЛАР ЎРТАСИДА  
ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ»  
МАВЗУСИДА  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
АНЖУМАНИ**

**МАЪРУЗАЛАР ТЎПЛАМИ**





---

**RESPUBLIKA YOSH OLIMLAR  
KENGASHI**

**«ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЭРКАКЛАР  
ЎРТАСИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ»  
МАВЗУСИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
АНЖУМАНИ  
МАЪРУЗАЛАР ТЎПЛАМИ**

**Tahrir hay'ati:**

Saidova Sayyora Alisher qizi – falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori PhD  
Fotima Tohirova

**Dizayner:**

Ulug'bek Saidov

Динимизда аёлларни қадрлаш, уларни асраб-авайлаш қаттиқ тарғиб қилинган амалдир. Чунки улар – оналаримиз, жуфтларимиз ва сингилларимиздир. Қадимдан Ислом динига амал қилиб келгандыкимизнинг миллий қадриятларида аёл зоти эъзозланади. Давлатимиз томонидан ҳам аёлларга алоҳида хурмат-эътибор кўрсатилиб, уларни ҳар жиҳатдан химоя қилиб келинмоқда.

Аёлларсиз ҳаётни, тараққиётни тасаввур қилиб бўлмайди. Улар жамиятнинг етакчи кучлари,- мөхир ва уддабурон мураббийлари, меҳрибон ва оқила тарбиячиларидир.

Бугун жамиятнинг деярли ҳеч бир муаммосини, ҳатто келажаги буюк давлат қуриш вазифасини ҳам аёллар иштирокисиз ҳал қилиш мушкул. Келажаги буюк давлат қуриш борасида биз, энг аввало, ёш авлодга таянамиз. Фарзандни камолга етказиш оиласидан тарбияни тўғри йўлга қўйишидан бошланади. Оиладаги ўғил-қизларимизнинг қандай инсонлар бўлиб етишиши ҳаммадан бурун аёлларимизга боғлик.

Республикамиз БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларини йўқ қилиш ҳақида”ги конвенциясига, Халқаро меҳнат ташкилотининг “Оналикин муҳофаза қилиш тўғрисида”ти, “Меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги камситишлар тўғрисида”ти конвенцияларига МДҲ давлатлари ичидан биринчилар қаторида қўшилди. Бу ҳужжатлар хотин-қизлар манфаатларини муҳофаза қилиш ва уларнинг оиласидаги умуман жамиятдаги мавқенини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-хукуқий ҳужжатлар комплексининг таркибий қисмидир.

Мухтарам Президентимиз Шавкат Миронович Мирзиёев раҳнамолигида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, интилиш ва ташабbus-ларини қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб меҳнат ва яшаш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**To'plamga Respublika Oliy va o'rta-maxsus o'quv yurtlarida ilmiy izlanishlar olib borayotgan yosh tadqiqotchilar, doktorant, pedagoglar, magistrant va talabalarning maqola va tezislari kiritilgan.**

*Matnlarda foydalanilgan misol, ko 'chirma ma'lumotlar aniqligi  
uchun mualliflar javobgar.*

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Абдуллаева Феруза Шариповна

Бухоро далат университети  
Тарих ва маданий мерос факультети  
мустақил тадқиқотчиси

Халқаро ҳуқуқ тарихига назар солсак гендер тенглик учун кураш 1945 йили БМТ ташкил топиши билан бошланди. Ташкилотнинг дастлабки 51 аъзосидан 30 таси аёлларга эркаклар билан тенг:

- а) сайлов ҳуқуқини;
- б) давлат ишлари билан шуғулланиш ҳуқуқини берди.

БМТ Уставида эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги эътироф этилди. Аммо ҳаёт, вақт фақатгина қонунлар билан тенг ҳуқуқлиликни таъминлаб бўлмасликини кўрсатди. Шу сабли гендр тенглик учун курашнинг иккинчи босқичи бошланди. Жамиятда аёлларнинг аҳволини яхшилаш борасида режа ва стратегиялар ишлаб чиқиш учун БМТ ташаббуси билан 4та халқаро конференция ўтказилди. Жумладан, 1975 йил I-халқаро конференция Мехикода, II-халқаро конференция 1980 йил Копенгагенда, III-халқаро конференция 1985 йил Найробида, IV-халқаро конференция 1995 йил Пекинда бўлиб ўтди. Пекинда бўлиб ўтган БМТ IV-анжуманида аёлларга нисбатан уйда зўравонликни қўпгина мамлакатларга хос “юқумли касаллик” деб эълон қилинди. Жаҳон миқиёсида ташкил қилинган бу конференциялар бутун дунё эътиборини “гендер тенглиги” муаммосига қаратишга муваффақ бўлди[1].

Бугунги кунда янги Ўзбекистонда аёлларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва тиббий маданиятини ошириш шунингдек, интеллектуал салоҳиятини ошириш, ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият берилиётганлиги масалалари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2020-йил 23- сентябр Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеясининг 75-юбилей сессиясидаги нутқида ҳам ўз ифодасини топди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясидаги чиқиши давомида халқаро ҳамжамият эътиборига минтақавий ва глобал аҳамиятга эга долзарб масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарини тақдим этди. Хусусан, Ўзбекистонни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилишнинг устувор йўналишларини кўрсатиб берди. Йўналишлар орасида гендер масаласи алоҳида аҳамият касб этди. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида “биз учун гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни тобора кучаймоқда. Янги Парламентимизда аёл депутатлар сони икки баробарга кўпайди”, деб мамлакатимизда хотин-қизлар сиёсати бўйича амалга оширилаётган ишларни назарда тутди. Ҳақиқатан ҳам мамлакатимизда хотин-қизларнинг ўз имкониятларини тўлақонли рўёбга чиқаришлари учун барча шарт-шароитларни таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жумладан, “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 22 ноябрь (ПФ-5325-сон) Фармонга мувофиқ хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оила ва жамиятдаги мавқенини юксалтириш, иш билан бандлигини таъминлаш, аёллар тадбиркорлигининг турли шаклларини ривожлантириш бўйича аниқ мақсадлар белгилаб олинганлигини айтиш мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистон хотин-қизлар масалаларига оид халқаро мажбуриятларини вижданан бажаришга харакат қилмоқда. Давлатимиз томонидан “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги конвенциянинг аъзоси сифатида миллий қонунчиликка унинг нормаларини уйғулаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда бу борада муҳим қадамлар қўйилди. 2019 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Хотин-қизларни тазиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. Бу қонунда аёлларни жинси бўйича бевосита ва билвосита камситишни тақиқланишига алоҳида урғу берилган. Мазкур қонун давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 7 марта “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилди. Ушбу қонуннинг мақсади хотин-қизларни турмушда, иш жойларида, таълим муассасаларида ҳамда бошқа жойларда тазиқлар ва зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилишга қаратилган. Ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солиш, шунингдек, тазиқлар ва зўравонликдан жабрланганларни ҳуқукий ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш ҳам қонуннинг муҳим мақсадларидан бири ҳисобланади [2].

Қонунда гендер тушунчаси ҳам қайд этилган бўлиб, унга кўра, гендер хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёsat, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳати кўрсатилган.

БМТ томонидан 1966 йилда қабул қилинган яна бир халқаро хужжат – Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 3-моддасида таъкидланишича, “Мазкур пактда иштирок этувчи давлатлар эркаклар ва аёллар учун ушбу Пактда кўриб чиқилган барча фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан бир хилда фойдаланишини таъминлаш мажбуриятини олади”. Айнан мазкур халқаро норма “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” қонуннинг 2-моддасида “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонун хужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун хужжатларидан иборатdir, -деган модданинг амалий ва ҳуқукий асосидир.

Мазкур асоснинг яна бир ҳуқукий кафолати бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида “Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар”, деб белгиланганилигидир.

Хусусан, бугунги кунда хотин-қизларнинг гендер камситилишига йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Республикасида Гендер тенгликни таъминлаш масалалари

бўйича комиссия ташкил этилди. Комиссиянинг асосий вазифалари хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, ушбу соҳада давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш, ушбу соҳада қилинган ишлар бўйича ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ахборот тақдим этиш, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш ва бу борада халқаро стандартларга риоя этиш соҳасида халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатларнинг тегишли органлари билан ҳамкорликни амалга оширишдан иборат.

Бундан ташқари комиссия тавсиясига асосан БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (УНФПА)нинг Ўзбекистондаги ваколатҳонаси қўмаги остида тазиик ва зўравонликка учраган хотин-қизларимиз учун тезкор ва сифатли ёрдам кўрсатиш мақсадида стандарт операцион чора-дадбирларни акс эттирувчи ҳужжат ишлаб чиқилди.

Гендер тенглик жамият ривожида муҳим бўлган ижтимоий муносабатларда дол зарб аҳамиятга эга эканлиги бугунги кунда янада яққол намоён бўлмоқда. Бугун оиласда, жамиятда, айниқса, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида ижтимоий муносабатларда ҳам, қонунчиликда ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

“Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукуқ ҳамда имкониятлар қафолатлари тўғрисидаги” Қонун 32-моддадан иборат бўлиб, 29-моддасида қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлиши ҳамда 30-моддада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа манбаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳијати ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминлаши қайд этилган[3].

Янгиланаётган Ўзбекистон ислоҳотлари инсон манбаатлари устунлигини таъминлаш баробарида жамиятда хотин-қизлар мавқеини ошириш, уларнинг хукуқ ҳамда имкониятларини устувор қадриятлардан бири сифатида ҳимоя қилишга қаратилганлиги аёлларнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий фаоллигини юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида рӯёбга чиқарилмоқда.

Хусусан, сўнгги уч йилда гендер тенгликни таъминлашнинг қонунчилик ва институционал негизини мустаҳкамлаш йўлида муҳим чоралар кўрилди. Хотин-қизларнинг хукуқ ва манбаатлари ҳимоясига қаратилган қарийб 20 та норматив-хукукий ҳужжат, шу жумладан 2 та қонун, 1 та Президент қарори, 4 та Президент Фармони, 13 та Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинди. Шунингдек, хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида ЮНИСЭФ, ЮНФПА, БМТ БМТ ЖБ, ОТБ, ЮСАИД ЕХХТ, ЕТТБ каби халқаро ташкилотлар билан икки томонлама таклифлар асосида йиллик қўшма режалар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда хотин-қизларни қўллаб-куватлаш, жамиятда ўз ўрнини топа олган, муваффақиятли аёлларнинг ҳаёт тажрибасини оммалаштириш мақсадида [www.genkom.uz](http://www.genkom.uz) сайти яратилди [4].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимизда гендер тенгликка эришишда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини янада кучайтириш, шу орқали оилани мустаҳкамлаш, юқори интеллектуал даражадаги ёш авлодни вояга етказиш, жамият барқарорлигини таъминлашнинг гарови ҳисобланади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Инсон ҳуқуқлари. (Муаллифлар жамоаси). Тошкент-2012, 202-215-б.
2. Худойбердиева Г. Гендер тенглик: Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқлар қандай таъминланаяпти? <http://hudud24.uz/>
3. Мухитдинова Ф. Янгиланаётган Ўзбекистонда гендер тенгликнинг ҳуқуқий асослари. //<https://yuz.uz/news/>
4. Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлашда қандай ўзгаришлар рўй бермоқда? //<https://xs.uz/uzkr/post/>

## M U N D A R I J A

<i>Allanazarova Mohira Baxtiyor qizi.</i> Jamiyatda ayollarning o'rni va haq huquqlari .....	4
<i>Halimova Odina Dilshodxon qizi.</i> Xotin-qizlar va erkaklar o'rtasidagi gender tenglik masalasida jahonda va yurtimizda olib borilayotgan siyosiy harakatlar .....	8
<i>Abdulaminova Adolat Abdurasul qizi.</i> Xotin-qizlar va erkaklar o'rtasida gender tengligi ....	12
<i>Ibragimova Gulzoda Nabiyevna, Razzaqova Gulnoza Kadamboy qizi.</i> Ilm-fan-texnika va innovatsiyalar samaradorligini ta'minlashda olima ayollarning ishtiroki .....	15
<i>Sharipov Shahzod Shuhratovich.</i> O'zbekistonda xotin-qizlar va erkaklar o'rtasida gender tenglik: muammo va yechimlar .....	19
<i>Jabborova Ruxsora.</i> Gender tenglikni amalga oshirishdagi islohotlar .....	21
<i>Halimova Odina Dilshodxon qizi.</i> Xotin-qizlar va erkaklar o'rtasidagi gender tenglik masalasida jahonda va yurtimizda olib borilayotgan siyosiy harakatlar .....	23
<i>Ruzimbayeva Iroda Ruslan qizi.</i> Xotin-qizlar va erkaklar o'rtasidagi gender tengligi .....	27
<i>Jalilova Nilufar Toxirjonovna.</i> Xotin-qizlar va erkaklar o'rtasida gender tengligi .....	29
<i>Jaloliddinova Mohira Alisher qizi.</i> Xotin-qizlar va erkaklar o'rtasida gender tengligi .....	31
<i>Umida Sulaymonova Pulat qizi.</i> Xotin – qizlar va erkaklar o'rtasida gender tengligi .....	34
<i>Maxliyo Mirvaliyeva Yoqubjon qizi, Turg'unpo'latova Musharrraf Xusniddin qizi.</i> Respublikamizdagi gender tengligining psixologik xususiyatlari .....	36
<i>Barnoyeva Gulxayo Rahmonovna.</i> O'zbekistonda gender tenglikni ta'minlash borasidagi strategik islohotlar .....	40
<i>Oyjamol Raxmonova.</i> Ayol – millat tarbiyachisi .....	44
<i>Zairov Asadbek.</i> O'zbekistonda gender tengligi masalasi – davlat siyosati darajasiga ko'tarilgan strategik yo'nalish .....	46
<i>Усмонов Камолиддин Салимжонович.</i> Ривожланган хорижий мамлакатларнинг гендер тенглик масалалари бўйича тажрибалари .....	51
<i>Teshayeva Sarvinoz.</i> Xotin qizlar va erkaklar orasida gender tengligi .....	54
<i>Shamsiddinova Gavhar Dilshod qizi.</i> Xotin-qizlar va erkaklar o'rtasida gender tengligi .....	56
<i>Sharopov Abdunazar.</i> Muqaddas ayollar har doim ardog'imizda .....	59
<i>Abduraxmonova Mo'tabarxon Nodir qizi.</i> Xotin-qizlar va erkaklar o'rtasidagi gender tengligi .....	61
<i>Toshimova Gulira'no Ilyosovna.</i> Ayol – borliq ko'zgusi .....	66
<i>Turdiyev Bexruz Sobirovich.</i> O'zbekistonda gender tenglik: islohot va ustuvor yo'nalishlar strategiyasi .....	68
<i>Quziyeva Taxmina Faxriddinovna.</i> Xotin-qizlar va erkaklar o'rtasida gender tengligi .....	73
<i>Jumabekova Niginabonu Umidjonovna.</i> Xotin-qizlar va erkaklar o'rtasida gender tengligi .....	76
<i>Teshayeva Marjona Shuhrat qizi.</i> Xotin-qizlar va erkaklar o'rtasida: gender tengligi .....	78
<i>Арифджанов Шахзод Бахтиёр ўғли.</i> Гендер тенглиги - Замонамиз ўрни сифатида .....	80
<i>M. Сотволова, С.Даминджаanova.</i> Хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида гендер тенглиги .....	84
<i>Абдуллаева Феруза Шариповна.</i> Янги Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлашнинг хукуқий асослари .....	86
<i>Маманиёзов Шахзод Аброр ўғли.</i> Хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида гендер тенглиги .....	90
<i>Рўзиева Моҳинур Шахмардон қизи.</i> Гендер адолатида ўзбек аёллари .....	95
<i>Ахунова Шохиста Наманжановна, Туйчиева Шоҳсанам.</i> Значение гендерного равенства в развитии государственности и роль женского пола в обществе .....	98